

А Ж Р И М

2024 йил 14 май

Нукус шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг судьяси И.Калниязовнинг раислигида, судья ёрдамчиси З.Исматуллаеванинг котибалигида, давлат айбловчиси Нукус шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Асенбаева, жабрланувчи ХХХ, айбланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячи адвокати Р.Жангабаевнинг иштирокида,

Нукус шаҳар “Шымбай шайхана” МФЙ биносининг мажлислар залида, сайёр очик суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган ХХХга оид 1-2301-2403/ХХХ (ХХХ)-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра,

15.03.2001 йилда Тахтакопир туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати қорақалпоқ, маълумоти тугалланмаган олий, партиядан йўқ, депутатликка сайланмаган, Қорақолпоқ давлат университети талабаси, уйланмаган, муқаддам судланмаган, ХХХ яшовчи, 2024 йил 18 апрель кунидан муносиб хулқ атворда бўлиш ҳаққидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган ХХХ.

Суд - суд мажлисида айбланувчи, жабрланувчининг кўрсатувларини, уларнинг аризаларини, прокурор ва ҳимоячи адвокатнинг фикрларини эшитиб, иш материалларини ўрганиб ва уларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Айбланувчи ХХХ 2024 йил 22-март кунини соат 17:00 чамасида, фуқаро ХХХ ўз бошқарувидаги, акаси ХХХга тегишли, давлат рақам белгиси ХХХ бўлган “Кобальт” русумли автомашинани, ишончнома орқали, Нукус шаҳри, “Е.Алакоз” кўчасидан ўтган йўл бўйлаб ғарб томондан шарқ томонга ҳаракатланиб кетаётган пайтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрель кунини 172-сонли Қарори билан тасдиқланган ҳамда 2022 йил 1 май кунидан кучга кирган «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 4-бандида, яъни “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак.”-деган банди талабларига риоя қилмасдан, ҳамда 11-банди “т” банди, яъни “Ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шарт”, бундан ташқари 77-банди 3-қисми, яъни “Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш

чораларини кўриши керак” деган коидаларни кўпол равишда бўзиб, шу йўл бўйида жойлашган “Корзинка” савдо мажмуаси кириш жойи олдидан ўтган йўлни ўнг томондан чап томонга кесиб ўтаётган Нукус шаҳри, “Кумай кус” кўчаси 24-уйда яшовчи 01.04.1965 йил туғилган фуқаро ХХХни уриб кетиб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилган. Оқибатда фуқаро ХХХ тан жарохати олиб касалхонага тушган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 28 март кунги 590/66-сонли хулосасида фуқаро ХХХнинг танасида “чап катта болтир суяги пастки қисмининг ёпиқ силжимастан синиши, чап тизза бўйини қисмининг юмшоқ тоқимасининг эзилиши ва қирчилиши” кўрсатилиб ОҒИР даражадаги тан-жарохати борлиги аниқланган.

Шундай қилиб, ХХХ юқоридаги хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Суд, суд мажлисида айбланувчи ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида, жабрланувчи ХХХга ЖПКнинг 55-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган вақтда, улар томонидан судга жиноят ишни тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўраб ариза билан мурожаат қилди.

Суд мажлисида айбланувчи ХХХ, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон экани, содир қилган иш ҳаракатларининг оқибатини тушуниб етгани, жабрланувчига етказилган зиёнларни тўлиқ қоплаб берганлигини, кечирим сўраганлигини, кечирим берганини, ХХХ билан ўзаро ихтиёрий равишда ярашиб кетганлигини, ҳеч ким ўзларига тазйиқ ўтказмаганлигини айтиб, жиноят ишини жабрланувчи билан ўзаро ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўраб, кўрсатма берди.

Суд мажлисида жабрланувчи ХХХ, жиноят иши бўйича жабрланувчи тариқасида ярашув ҳуқуқларини тушунганлиги ва айбланувчи ХХХ томонидан етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги, айбига иқрор бўлиб, кечирим сўраганлиги сабабли у билан ўзаро ярашганлигини, унга нисбатан юритилаётган жиноят ишини ярашув орқали ҳаракатдан тугатишини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, кечирим сўрагани, унга кечирим берганини, ўнга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ўзига етказилган зиёнлар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз ихтиёрий билан ёзганлиги, ўзига ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлиги, у билан ўзаро ихтиёрий ярашганлиги, ЖПКнинг 583-моддаси талаблари тўлиқ тушунтирилганлигини, унинг қаршисига тўпланган жиноят ишини ўзларининг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Суд, жабрланувчи ХХХ, айбланувчи ХХХ ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга ўрганиб, прокурор ва

ҳимоячи адвокатнинг жиноят ишини тарафларнинг ўзаро ихтиёрий ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатиш тўғрисидаги фикрларини эшитиб, ярашувнинг ихтиёрий эканлигини, унинг сабабларини, айбланувчининг илгари судланмаганлигини, ўз айбига ихтиёрий тўлиқ иқрорлигини, ўзи содир қилган қилмишнинг оқибатларини тушуниб етганлигини, жабрланувчига етказилган зиёнлар тўлиқ қоплаганлигини, айбланувчи, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ўз ихтиёрлари билан ярашганликларини эътиборга олиб, айбланувчи ХХХ ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унинг қаршисидаги ХХХ-сонли жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига мувофиқ ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Ажрим қонуний кучга кирганидан айбланувчи ХХХнинг муносиб ҳулк атворда бўлиш ҳаққидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилишни лозим топади.

Жабрланувчи ХХХга ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 582, 583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

ажрим қилди:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган ХХХнинг қаршисидаги ХХХ-сонли жиноят иши тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг айбланувчи ХХХнинг муносиб ҳулк атворда бўлиш ҳаққидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажримдан норози томон 10 сутка муддатда ушбу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судига апелляция тартибида, хусусий шикоят беришга, прокурор шу муддат ичида хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

И.Калниязов